



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

BUYRUG'I

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий
аппарати ва ҳудудий бошқармаларидаги вакант лавозимларга
ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда
танлов асосида саралаб олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон Фармони, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тизимида ишга қабул қилиш жараёнларини очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартибни жорий этиш, бугунги кун талабларига жавоб берувчи, илғор ва замонавий фикрловчи кадрлар тизимини йўлга қўйиш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринда – Агентлик) билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисида тартиб тасдиқланганлиги ва ушбу буйруқнинг 1-банди учинчи хатбошисидан ташқари Вазирликка ишга қабул қилинаётган ёки бошқа лавозимга ўтаётган барча номзодлар ва ходимлар ушбу Тартиб асосида лавозимга тайинланиши ёки лавозимдан лавозимга ўтказилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон Фармонига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш очиқ мустақил танлов асосида, алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга, (Вазир ўринбосарлари, давлат органи ва ташкилотининг тегишли масалалар бўйича маслаҳатчилари, ахборот хизмати, юридик хизмат ходимлари ва бошқа алоҳида тартибда тайинланадиган ходимлар) алоҳида белгиланган тартиб асосидагина лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод қилиниши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалардаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш комиссияси (кейинги ўринда – Танлов комиссияси) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Кадрлар бўлими Танлов комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади ва Ишчи органга қуйидагилар бўйича жавобгарлик юклансин:

Танлов комиссиясига юклатилган вазифаларни амалда тўлиқ, самарали ва лозим даражада бажариш;

Танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалаларни ўз вақтида, тўғри, қонуний таъминлаш;

Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги вакант лавозимларни ўз вақтида, замонавий фикрловчи ходимлар билан доимий равишда, очиқ, мустақил, шаффоф шаклда тўлдириб бориш;

алоҳида тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ходимларни белгиланган алоҳида тартиб бўйича қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ амал қилган ҳолда лавозимга қабул қилиш, лавозимдан озод этиш;

Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига кадрларни ўз вақтида ишга қабул қилиш.

4. Кадрлар бўлими (М.Чуллиева) 2021 йил 1 декабрдан:

Вазирликнинг вакант лавозимларини таҳлил қилиб, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Ш. Ахматов) билан биргаликда Вазирлик веб-сайтида, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ish.mehnat.uz сайти ёки ижтимоий тармоқларда танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берсин;

алоҳида тартибда лавозимга тайинланадиган лавозимлардан ташқари ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш жараёнлари Агентликнинг Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона порталида амалга оширилишини таъминласин.

5. Вазирлик тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларига меритократия, очиқлик, муқобиллик ва мустақиллик тамойиллари асосида ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш жараёнлари Агентликнинг Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона порталида амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Вазирликнинг 2020 йил 25 сентябрдаги 490-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Ш. Шерматов

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати
ва ҳудудий бошқармалардаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш,
ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш
КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ**

Ш. Шерматов	–	Вазир, Танлов комиссиясининг раиси
<i>Лавозими бўйича</i>	–	Вазирнинг тегишли масалалар бўйича ўринбосари, Танлов комиссияси раисининг ўринбосари*
<i>Лавозими бўйича</i>	–	Вазирлик марказий аппаратининг тегишли масалалар бўйича таркибий бўлинма раҳбари**
Ж.Шукуров	–	Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
<i>Лавозими бўйича</i>	–	Инвестициялар, молия ва комплаенс назорати бошқармаси бошлиғи
<i>Лавозими бўйича</i>	–	Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи
<i>Лавозими бўйича</i>	–	Юридик бўлим бошлиғи
М. Чуллиева	–	Кадрлар бўлими бошлиғи
Н. Нуриев	–	Касаба уюшмаси кўмитаси раиси
Ф. Турсунова	–	Кадрлар бўлими етакчи мутахассиси, Танлов комиссияси котиби

Изоҳ: Танлов комиссияси раиси, ўринбосарлари ва аъзолари бошқа лавозимга ўтказилган ёки лавозимидан озод этилган тақдирда уларнинг ўринларига лавозимга тайинланган ёхуд амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ёки Вазирлик ҳужжатлари асосида қўшимча вазифа юклатилган шахслар Танлов комиссияси аъзоси ҳисобланади;

* Вакант лавозимга ишга қабул қилинаётган масала бўйича фаолият юритувчи Вазирнинг тегишли масалалар бўйича ўринбосари;

** Вакант лавозим мавжуд бўлган таркибий бўлинма раҳбари;

Танлов комиссияси котиби овоз бериш ҳуқуқига эга эмас ва у Танлов комиссиясининг ташкилий-техник масалалари ўз вақтида, тўғри ва қонуний таъминланиши чораларини кўради ва тегишли ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди.

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги



Ш. Шерматов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари



О. Хасанов

2021 йил “23” XI

2021 йил “24” XI

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий
аппарати ва ҳудудий бошқармалардаги вакант лавозимларга
ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда
танлов асосида саралаб олиш тўғрисида

Тартиб

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ махсус электрон дастур асосида талабгор фуқаролар ва тизимда фаолият юритаётган ходимларининг барчасига тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда саралаб олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартиб қоидалари қуйидаги лавозимларга татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ёки улар билан келишиладиган лавозимлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса; техник ва хизмат кўрсатувчи тоифадаги лавозимлар.

3. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

вакант лавозим – вазирлик тузилмасида белгиланган, тегишли малакага эга ходим қабул қилиниши мумкин бўлган маъмурий бошқарув ходимлари тоифасидаги эгалланмаган лавозим;

номзод – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали”да (кейинги ўринларда – Портал) вакант лавозимни эгаллаш бўйича номзод сифатида мазкур Тартибда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

4. Танлов меритократия, очиклик, муқобиллик ва мустақиллик тамойиллари асосида ўтказилади.

5. Танлов пайтида номзодларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига кўра камситишга йўл қўйилмайди.

6. Танлов асосида давлат фуқаролик хизматиغا қабул қилинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиаллари (кейинги ўринларда – Агентлик) билан келишмасдан лавозимидан озод этилиши мумкин эмас.

2-боб. Танловни ташкил қилиш

7. Танлов қуйидаги босқичлар асосида ташкил этилади:

биринчи босқич – танлов ўтказилиши тўғрисида эълон бериш;
 иккинчи босқич – номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш;
 учинчи босқич – номзодларни тест синовларидан ўтказиш;
 тўртинчи босқич – номзодлар билан суҳбат ўтказиш.

8. Порталдаги вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар асосида шаклланади.

Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар Порталга жойлаштирилган сана мазкур лавозимни эгаллаш бўйича танлов эълон қилинган кун деб ҳисобланади.

9. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон давлат органи ва ташкилотининг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларида жойлаштирилади.

Шунингдек, мазкур эълон даврий нашрларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

вакант лавозимга қўйиладиган малака талаблари;

лавозим мажбуриятлари;

меҳнат шароитларига оид маълумотлар.

Лавозимларнинг айрим тоифалари учун қўшимча талаблар мавжуд бўлган тақдирда, эълонга бу ҳақда маълумот киритилади.

10. Танловда иштирок этиш бўйича номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 10 календарь кунни ташкил қилади.

Танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатлар келиб тушмаган тақдирда, ҳужжатларни қабул қилиш муддати автоматик тарзда 10 календарь кунга узайтирилади.

Танловнинг барча босқичлари танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб ўн беш иш куни мобайнида ўтказилиши лозим.

11. Танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатлар фақат Портал орқали электрон тарзда қабул қилинади. Номзодлардан ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини қоғоз шаклида талаб қилиш ман этилади.

12. Номзодга бир вақтнинг ўзида битта давлат органи ва ташкилотининг учтадан ортиқ бўлмаган вакант лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Бир вақтнинг ўзида битта давлат органи ва ташкилотининг бир нечта вакант лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этаётган номзод танловнинг тест синовлари босқичида фақат бир марта қатнашиши мумкин.

13. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш бўйича ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланиши уларни танловдан четлатиш учун асос ҳисобланади.

14. Давлат органи ва ташкилоти танловни ташкил қилиш ва ўтказиш учун аутсорсинг асосида бошқа ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

3-боб. Танловда иштирок этиш учун номзодларни саралаш

15. Танловда қонун ҳужжатларида белгиланган давлат фуқаролик хизматчиларига қўйилган талабларга жавоб берадиган шахслар иштирок этиши мумкин.

16. Вазирликда танловларни ўтказиш учун доимий фаолият юритувчи Танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда – танлов комиссияси) тузилади.

Танлов комиссиясининг таркиби Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Танлов комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги – танлов комиссиясининг раиси;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармаларининг вакант лавозимига танлов эълон қилинган таркибий бўлинмаси раҳбари;

Вазирликнинг кадрлар бўлинмаси раҳбари (ходими);

Вазирликнинг юридик хизмати раҳбари (ходими);

Вазирликнинг касаба уюшмаси қўмитаси раҳбари.

Танлов комиссияси таркибига давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, олий таълим муассасалари ёки давлат органи ва ташкилоти ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг вакиллари киритилиши мумкин.

17. Танлов комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

18. Вазирликнинг кадрлар бўлинмаси танлов комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда – ишчи орган) ҳисобланади.

19. Танлов унда иштирок этиш учун камида иккита номзоддан ҳужжатлар келиб тушган тақдирда ўтказилади. Танловда иштирок этиш учун битта номзод талабгор бўлганда, Агентлик билан келишилган ҳолда танлов комиссияси раҳбарининг қарори билан танлов ўтказилиши мумкин.

20. Ишчи орган ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида номзодларнинг вакант лавозим учун белгиланган малака талабларига мослигини ўрганиб чиқади ва малака талабларига мос келган номзодлар рўйхатини шакллантириб, танлов комиссиясига тақдим қилади.

Бир кунлик муддатда танловнинг кейинги босқичига ўтган номзодлар Танлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Ишчи орган танлов босқичлари натижалари ва ўтказилиши бўйича маълумотларни номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетларига юборилишини таъминлайди.

21. Танлов ўтказишда ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида учинчи ва тўртинчи босқичлар видеоёзув қурилмаларига ёзиб борилади.

22. Танловни ташкиллаштириш ва ўтказишда белгиланган қоидага риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг холис қарор қабул қилишига таъсир ўтказган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда, Агентлик танлов натижасини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига эга.

23. Танлов босқичлари ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар танловдан четлаштирилади.

4-боб. Тест синовларини ўтказиш тартиби

24. Тест синовлари номзодларнинг шахсий ва касбий компетенцияларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

25. Тест синовлари давлат тилида ўтказилади.

Тест саволлари (топшириқлари) давлат органи ва ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда янгилаб борилади.

Тест синовларини муваффақиятли топшириш учун ўрганиш тавсия этиладиган намунавий саволлар рўйхати ишчи орган томонидан Вазирликнинг расмий веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилинади.

Бунда, саволлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг даражаси (республика, ҳудуд ва туман)га мувофиқ ҳамда вакант лавозимнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

26. Тест синовлари ишчи орган томонидан Агентликни хабардор қилган ҳолда алоҳида хонада ёхуд онлайн тарзда ташкил қилинади.

27. Тест синовларида фойдаланиш учун барча турдаги шпаргалкалар ва алоқа воситалари олиб кириш ҳамда бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш таъқиқланади.

Мазкур талабларни бузган номзод ишчи орган томонидан далолатнома тузилган ҳолда танловдан четлаштирилади.

Тест синовлари ўтказиш жараёни ёзиб олинган овозли видеоёзув ишчи органда бир йил давомида сақланади.

28. Номзод томонидан тест синовлари умумий кўрсаткичининг камида 56 фоизига тенг балл тўпланиши, унинг танловнинг кейинги босқичига ўтиши учун асос бўлади.

Танлов комиссиясининг қарорига асосан тест синовлари натижаларини ижобий деб топиш учун 56 фоиздан юқори балл белгиланиши мумкин.

29. Тест синовлари натижалари танлов комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва тест натижалари тест ўтказилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмасдан номзоднинг Порталдаги шахсий кабинетига юборилади.

30. Тест синовларини ижобий топшира олмаган номзодлар ушбу Тартибда белгиланган тартибда эълон қилинган янги танловда қатнашиши мумкин.

5-боб. Суҳбат ўтказиш тартиби

31. Суҳбат номзоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлари ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Суҳбат интервью, тақдимот, муаммоли вазиятларда қарор қабул қилиш маҳорати (“case-study”)ни аниқлаш каби усуллар асосида амалга оширилади.

Суҳбат жараёнлари видеоёзувларда қайд этиб борилади ҳамда реал вақт режимида трансляция қилинади.

32. Суҳбат танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Суҳбатда танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Агар танлов комиссияси аъзоси суҳбатдан ўтаётган шахснинг яқин қариндоши бўлса ёки суҳбат натижасидан бевосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, аъзо ўзини ўзи рад этиши шарт.

33. Суҳбат давомида танлов комиссияси аъзолари ҳар бир номзодга кўпи билан бешта савол бериши мумкин.

Суҳбат натижаси бўйича номзодлар ҳар бир Танлов комиссияси аъзоси томонидан 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Танлов комиссиянинг ҳар бир аъзоси алоҳида баҳолаш варақасини тўлддиради. Баҳолаш варақасини комиссиянинг бошқа аъзоларига кўрсатиш таъқиқланади ва балларни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

34. Суҳбат якунлари бўйича комиссия аъзолари томонидан номзодга қўйилган балларни умумлаштириш ва ўртача баллни ҳисоблаб чиқиш учун Ишчи органга берилади. Ишчи орган томонидан номзодга қўйилган баллар белгиланган шаклдаги жавоблар варақасига қайд қилинади.

Суҳбат натижасига кўра энг юқори ўртача балл тўплаган номзод танлов ғолиби деб топилиб, Танлов комиссияси баённомаси билан тасдиқланади. Бунда, танлов ғолиби деб топилган номзоднинг ўртача бали 56 баллдан паст бўлиши мумкин эмас.

Номзодларнинг ўртача баллари тенг бўлган тақдирда танлов комиссияси раисининг ҳулосасига асосланиб якуний қарор қабул қилинади.

Танлов ғолиби ўз аризасига кўра меҳнат шартномасини тузишдан бош тортган тақдирда, танлов комиссияси ҳулосасига асосан ҳисобланган ўртача баллга кўра иккинчи ўринни эгаллаган номзод танлов ғолиби деб топилиши мумкин.

35. Қонун ҳужжатларида вакант лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, ишчи орган қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида тегишли ҳужжатларни вазирлик ёки идорага келишиш учун юбориши лозим.

Вазирлик ёки идора билан номзоднинг келишилиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Агентлик суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ўз вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

Суҳбат ўтказиш жараёни танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига мос келмаслиги ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг ҳолис қарор қабул қилишига таъсир ўтказадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда, Агентлик вакили томонидан танлов комиссияси йиғилиши баённомасида изоҳ қолдирилади.

Агентлик унинг вакили томонидан баённомада келтирилган ҳолатлар бўйича текшириш ўтказлади. Текшириш натижалари бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича тақдимнома киритади.

37. Номзодлар танлов комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда танлов натижалари бўйича комиссия қарори устидан юқори турувчи ташкилот раҳбарига, Агентликка ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

38. Танлов ғолиби аниқланган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида давлат органи ва ташкилотининг раҳбари танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузади. Бунда, ушбу Тартибнинг 35-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда келишилгандан кейин уч иш куни мобайнида меҳнат шартномаси тузилади.

Ишчи орган томонидан бир кунлик муддатда танлов комиссиясининг баённомаси ва танлов ғолиби билан тузилган меҳнат шартномаси Порталга жойлаштирилади.

6-боб. Яқуний қондалар

39. Танлов комиссиясининг аъзолари ҳамда танлов жараёни иштирокчилари танлов давомида номзодлар тўғрисида олинган шахсий маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

40. Мазкур Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.